

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМЛИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

БИОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ 1-КУРС МАГИСТРАНТИ **ЮНУСОВ**
АБДУРАХМОННИНГ БИОХИЛМА-ХИЛЛИК ВА УНИ МУҲОФАЗАСИ
ФАНИДАН ТАЙЁРЛАГАН

КУРС ИШИ

Мавзу “Қизил китоб” ва унинг аҳамияти

Андижон 2016

MUNDARIJA

Кириш	2
1-БОБ “Қизил китоб” ва унинг аҳамияти	4
2-БОБ Ўзбекистон Республикаси “Қизил Китоб”ига киритилган ноёб турлар.....	6
3-БОБ Фарғона водийсининг “Қизил китоби”га киритилган флора ва фаунаси.....	13
3.1. “Қизил китоб” га киритилган ўсимликлар ва уларнинг аҳамияти.....	13
3.2. “Қизил китоб” га киритилган ҳайвонлар ва уларнинг аҳамияти.....	31
Хулоса	38
Фойдаланилган адабиётлар	41

КИРИШ

«Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади»

Ислом Каримов

“Қизил Китоб” – бу зарурий ҳужжат бўлиб, у Инсоннинг виждонидир. Ҳар қайси миллат дунё олдида ўзининг табиат бойликларини асраш маъсулиятини олган”.

Табиат ўзининг гўзаллиги билан ўзига инсониятни жалб этади. Ҳар бир кишини мафтункор тоғларни қоплаб турган доимий музлар, улардаги хушбўй гуллар, доривор ўсимликлар, ҳайвон турлари, тоза ҳаво шўх шаршаралари, муз чўққилари, қоялари билан ром этади. Буларнинг ҳаммасидан завқ олиш керак, ҳар бир нарсанинг ўз қадрига етиш, табиатдаги мўъжазгина бир жонли мавжудотни ҳам асрай-авайлаш лозим.

Маълумотларга қараганда, Ер юзида ҳайвонот ва ўсимлик турларининг йўқолиб кетишга иккита сабаб бор бўлиб, улардан биринчиси – бу табиий шароитнинг ўзгариши (табиий сабаб) натижасида бўлса, иккинчиси еса – (антропоген) инсон ҳаракатлари натижасидир. Дунёда умумий қушлар ва ҳайвонларнинг тўртдан бир қисми табиий сабаблар натижасида йўқолган бўлса, тўртдан уч қисми эса инсон таъсирида йўқолганлиги аниқланган. Бундай рақамларни яна кўплаб келтириш мумкин, афсуски, уларнинг деярли барчаси инсониятнинг билиб-билмай табиатга нисбатан олиб бораётган беаёв қилмишларини кўрсатиб беради. Аслини олганда, бу рақамлар айнан бўлмаса-да, кўпчилигимизга маълум, бу рақамлар оқибатида юзага келадиган фожеалар ҳам маълум. Ер қуррасида ҳозирги вақтда 670 минг (шундан 500 минги гулли ўсимликлар) ўсимлик ва 1,5 миллион ҳайвон турлари мавжуд

бўлиб, уларнинг 93 % учун куруклик ва 7% и учун сув яшаш муҳити ҳисобланади.

Ишнинг долзарблиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозирги кунда 4200 га яқин гулли ўсимлик турлари мавжуд. Улар орасида жиддий муҳофазага муҳтож кўпгина камёб, эндем ва реликт турлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” да ўсимлик ва ҳайвонот тури, оиласи авлоди, туркуми тартибида алфавит бўйича рўйхатга олинган ва ҳар бир ўсимлик кўргазмали тарзда суратлари келтирилган.

Ишнинг мақсади – Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”нинг таъсис тарихини ўрганиш, ушбу китобнинг турли йиллардаги нашрларини ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқиш, республикамизнинг ва Фарғона водийсининг камёб, эндемик ўсимликлари ва ҳайвонлари ҳақида илмий адабиётлар асосида маълумотлар тўплаш ва муҳофазага эҳтиёжи бор ўсимликлар ва ҳайвонлари ҳақида тегишли мутасаддилар эътиборини жалб қилишдан иборат.

Ишнинг объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” га киритилган ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар

Ишнинг таркибий тузилиши. Курс иши Кириш, 3 боб, хулоса ҳамда фойдаланган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади. Унинг умумий ҳажми 42 бет, шундан матн қисми 40 бет. Ишнинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, баён этилган.

Биринчи боб – “Қизил китоб” ва унинг аҳамияти

Иккинчи боб – Ўзбекистон Республикаси “Қизил Китоб”ига киритилган ноёб турлар

Учинчи боб – Фарғона водийсининг “Қизил китоби”га киритилган флора ва фаунаси

Исҳнинг **хулоса** қисмида бажарилган исҳлар натижалари умумлаштириб, мавзу бўйича тавсия ва таклифлар келтирилган.

I – БОБ “ҚИЗИЛ КИТОБ” ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Атроф – мухитни, шу жумладан ўсимликлар оламини муҳофаза қилиш муаммоси инсоният учун ҳеч қачон ҳозиргидагидек ўта долзарб ҳаҳамиятга эга бўлган эмас. Саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалиги турли тармоқларининг тез суръатлар билан ривожланиб бориши, табиий майдонларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиши, экологик мувозанатни салбий томонга ўзгаришига олиб келмоқда. Натижада ўсимлик ва ҳайвон турларининг сони камайиб бориш хавфи кучайиб бормоқда.

Шунинг учун XX асрнинг ўрталарига келиб, дастлаб айрим мамлакатларда, кейинчалик эса кўплаб давлатларда турли ўсимлик ва ҳайвон турларининг сийраклашиб, камайиб ва йўқолиб бораётганлиги ҳақида маълумотлар тўпланиб борди. Бу маълумотлар махсус китоблар тарзида нашрлардан ҳам чиқарилган.

Ватанимизда ер ва унинг бойликлари сув, ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳақида жуда кўп муҳим давлат қарорлари қабул қилинган. Ана шундай муҳим ҳужжатлардан бири, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби» ҳисобланади.

«Қизил китоб» айрим вилоятлар, мамлакатлар ёки бутун дунё бўйича келажакда хавф остида турган ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида маълумотларга эга бўлган расмий ҳужжатдир.

1948 йили БМТ нинг ЮНЕСКО ташаббуси билан Табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (ТМҚХИ) тузилди. Ушбу ташкилот махсус комиссия “Халқаро яшаб қолиш хизмати Хайъати” ни тузиб ер юзида йўқолиб бораётган ва ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларини аниқлаш ҳамда уларни сақлаш, тиклаш дастурини ишлаб чиқиш топширилди. Бу хайъат таркибида ўз даврининг машҳур олимлари, экологлари киритилган эди.

1948-1954 йиллари комиссия йўқолиш хавфи остидаги ҳайвонлар рўйхатини тузиб чиқди. Бунинг учун махсус критериялар ишлаб чиқилди. У

ёки бу турни рўйхатга олиш учун ушбу критериялар асос бўлган. Қабул қилинган критериялар табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи томонидан маъқулланиб, муҳофазага олиш учун ўсимлик ва ҳайвон турларини айрим категорияларга ажратган ҳолда «Қизил китоб» яратишга асос бўлди. 1966 йили стол устида, фойдаланиладиган календарь сифатида турли рангларга эга бўлган варақлардан иборат биринчи халқаро “Қизил китоб” нашр қилинди. Ундан ташқари улар 1600 йилга қадар Ер юзидан умуман йўқолиб кетган ўсимлик ва ҳайвонларнинг “Қора рўйхати” ни ҳам туздилар. 1600 йилдан 1969 йилгача сут эмизувчиларнинг 36 та тури , кушларнинг 94 та тури Ер юзидан умуман йўқ бўлиб кетган.

1972 йилда ТМҚХИ нодир ўсимлик ва ҳайвон турларини савдосини чегаралаш ҳақида Конвенция лойиҳасини тузди ва бу лойиҳа 1973 йилда АҚШ да ўтказилган конгрессда 80 та давлат томонидан маъқулланиб, тасдиқланди.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ҚИЗИЛ КИТОБ”ИГА КИРИТИЛГАН НОЁБ ТУРЛАР

1978-1979 йилларда Ўзбекистонда давлат қарорлари ва Фанлар Академиясининг илмий кенгаши Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби» ни таъсис этди. У 1983 йили нашр қилинган «Қизил китоб» нинг биринчи томида 22 турдаги сут эмизувчилар, 33 тур кушлар, 5 тур судралиб юрувчилар, 5 тур балиқлар бор. «Қизил китоб» да ҳайвонлар сони ва унинг ўзгариш сабаблари, айрим турларнинг ахволи ва уларнинг кўпайишига, муҳофаза қилиш бўйича белгиланган ҳамда мўлжалланган тадбирларга алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, биотехник тадбирлар куриқланадиган зоналар ва куриқхоналар барпо этиш, браконьерларга қарши кураш, кишиларнинг экологик билимини ошириш таклиф этилган. Республикамиз «Қизил китоби»ни ҳар 5 йилда янгилаб туриш кўзда тутилган. «Қизил китоб» инг ҳайвонот дунёсини Ўзбекистон Фанлар Академиясининг «Зоология ва паразитология» институти зиммасига юклатилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган айрим турдаги сут эмизувчилар, кушлар, судралиб юрувчилар ва балиқлар алоҳида назорат остидадир. Ўзбекистон ҳайвонот дунёсини чуқурроқ ўрганиш натижасида «Қизил китоб» нинг иккинчи нашрига қошиқбурун ва қорабош қулоғични киритишни олимлар тавсия этишмоқда. Ўзбекистон «Қизил китоби»да фақат умуртқали ҳайвонлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Қайта чоп этиладиган «Қизил китоб»да умуртқасиз жониворлар вакиллари ҳам киритилиши мақсадга мувофиқ бўлса керак.

1984 йилдаги Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби» нинг иккинчи томига давлат муҳофазасига олинган ёввойи ҳолдаги 163 тур ўсимлик киритилган. Ушбу «Қизил китоб» даги ўсимлик турлари Табиатни муҳофаза қилиш халқаро уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган классификацияга биноан 4 категорияга ажратилди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Йуқолиб ёки йуқолиш арафасидаги турлар;
2. Ноёб турлар (маълум кичик майдонларда ўзига хос шароитларда

сакланиб қолган ва тез йўқолиб кетиши мумкин бўлган ва жиддий назоратни талаб этувчи турлар);

3. Йўқолиб бораётган турлар;

4. Камайиб бораётган турлар.

«Қизил китоб» нинг янги, 2006 йилги нашрида муҳофазага олинган ўсимлик турлари сони 305 тага боради. «Қизил китоб» да ўсимликнинг ҳар бир турининг номи, қайси оиллага мансублиги ва қисқача таърифи, учраш миқдори ва ҳолати, умумий тарқалиши ареаллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Схематик картада ўсиш жойи ифодаланган. Илмий маълумотлар асосида табиатдаги миқдори ва ушбу тур ареалининг ўзгариш сабаблари келтирилган. Табиий шароитда кўпайиш йўллари ва нихоят муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ҳақида маълумотлар баён этилган. Шундай қилиб, «Қизил китоб» нинг моҳияти шундаки, улар наботот ва ҳайвонот оламининг ноёб, йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлар ҳақида маълумот берувчи ҳужжатдир. Унинг вазифаси жамоатчилик ва давлат ижроия муассасаларини табиатни муҳофазаси муаммосига жалб этишда ва турлар генофондини саклаб қолишга кўмаклашишдан иборат.

Маълумки, Қизил китобнинг 1-нашри 1984-йилда нашр қилинган эди. Қизил китобнинг биринчи нашрида факатгина 163 тур киритилган бўлса, иккинчи нашрида 301 тур, қарийб турларнинг сони икки мартага ортган. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»нинг 2-нашри 1998-йилда чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби» нинг 2006 йилги нашрида ўсимликларнинг 305 та тури келтирилган. Турли нашрларга киритилган ўсимликларнинг систематик таркиби ушбу битирув малакавий ишининг навбатдаги бобларидаги жадвалларда келтирилган.

Ундан маълум бўлишича энг катта оилалар қуйидагилар: 1. Fabaceae-60, Asteraceae-50, Liliaceae-25, Lamiaceae-23, Apiaceae-18 ва бошқалар. Жадвалда келтирилган 10 та оила 229 турдан иборат бўлиб, бу умумий турларнинг 76,3% ини ташкил қилади. Қолган 40 та оилалар

таркибида 6 тадан 1 тагача турлар мавжуд. 28 та оила фақат биттадан туркум ва турлардан иборат.

“Қизил киоб – бу ҳужжат бўлиб у Инсоннинг виждонидир. Ҳар қайси миллат дунё олдида ўзининг табиат бойликларини асраш маъсулиятини олган”.

Табиат ўзининг гўзаллиги билан ўзига инсониятни жалб этади. Ҳар бир кишини мафтункор тоғларни қоплаб турган доимий музлар, улардаги хушбўй гуллар, доривор ўсимликлар, ҳайвон турлари, тоза ҳаво шўх шаршаралари, муз чўққилари, қоялари билан ром этади. Буларнинг ҳаммасидан завқ олиш керак, ҳар бир нарсанинг ўз кадрига етиш, табиатдаги мўъжазгина бир жонли мавжудотни ҳам асрай-авайлаш лозим.

Маълумотларга қараганда, Ер юзида ҳайвонот ва ўсимлик турларининг йўқолиб кетишга иккита сабаб бор бўлиб, улардан биринчиси – бу табиий шароитнинг ўзгариши (табиий сабаб) натижасида бўлса, иккинчиси еса – (антропоген) инсон ҳаракатлари натижасидир. Дунёда умумий қушлар ва ҳайвонларнинг тўртдан бир қисми табиий сабаблар натижасида йўқолган бўлса, тўртдан уч қисми эса инсон таъсирида йўқолганлиги аниқланган. Бундай рақамларни яна кўплаб келтириш мумкин, афсуски, уларнинг деярли барчаси инсониятнинг билиб-билмай табиатга нисбатан олиб бораётган беаёв қилмишларини кўрсатиб беради. Аслини олганда, бу рақамлар айнан бўлмаса-да, кўпчилигимизга маълум, бу рақамлар оқибатида юзага келадиган фожеалар ҳам маълум. Ер қуррасида ҳозирги вақтда 670 минг (шундан 500 минги гулли ўсимликлар) ўсимлик ва 1,5 миллион ҳайвон турлари мавжуд бўлиб, уларнинг 93 % учун қуруқлик ва 7% и учун сув яшаш муҳити ҳисобланади. Турларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг йўқолиб кетиши сабаби эволюцион тараққиёт жараёни бўлиб, Ерда геологик шароитларнинг ўзгаришига ҳам боғлиқдир. Аммо, одамнинг келиб чиқиши натижасида бу табиий жараён бузила бошлади, ҳайвон ва ўсимликларнинг антропоген (инсон фаолияти) таъсирлари натижасида йўқолиб бориш жараёни тезлаша бошлади. Одам томонидан янги ерлар, ороллар ва қитъаларнинг

Ўзлаштирилиши натижасида бутун сайёрада фауна ва флоранинг хилма-хиллиги тобора камайиб бориш жараёни кузатилмоқда. Кейинги йилларда ҳар йили 1 дан 10 гача ҳайвон ва 1 тадан ўсимлик турлари йўқолиб кетмоқда.

Ҳозирги вақтда умуртқали ҳайвонларнинг 600 га яқин тури, жуда кўп ўсимликлар турлари бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Ўсимлик ва ҳайвон турларининг тобора йўқолиб бориш хавфи мамлакатлар ва бутун дунё миқёсида зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва малга ошириш эҳтиёжини туғдирмоқда.

1948 йилда табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи тузилди. Бу ташкилот флора ва фаунани муҳофаза қилишга қаратилган ҳамма ишларни бирлаштириб, 1973 йилда “Қора рўйхат”ни чоп этди ва ундан батамом йўқолиб кетган ҳайвонот турлари рўйхати келтирилди. Кейинчалик бу “рўйхат” “Қизил китоб” номини олди. Ҳайвон ва ўсимлик дунёсини асрашда кўпгина амалий ишлар қилиниб ва уларни ҳисобга олиб ҳар қайси давлат, вилоят, туман ва минтақаларда ўз Қизил китоблари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон “Қизил китоби” ҳам 1984 йилда ташкил топган. Ундан кўпгина ўсимлик ва ҳайвон турлари киритилган.

Масалан, ўсимликлардан; лоланинг барча турлари, анзур пиёзи, бойчечак...

“Қизил китоб”нинг яна бир муҳим жойи бўлиб, бу унинг саҳифалари ҳеч қачон тугалланмаслигидир, доимо унинг саҳифаларини янги ўсимлик турлари ва ҳайвон зотлари тўлдириб боради. АҚШнинг Норзерн Университети биологларининг хулосаларига кўра, “Қизил китоб”нинг саҳифаларини қисқартириш учун инсон маданияти ва хулқини доим ошира бориш керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозирги кунда 4200 га яқин гулли ўсимлик турлари мавжуд. Улар орасида жиддий муҳофазага мухтож кўпгина камёб, эндем ва реликт турлар мавжуд. Бундай турларнинг сони 400 атрофида бўлиб, улар Ўзбекистон флорасининг 10-12% ини ташкил қилади. Мисол учун, Зарафшон воҳасининг флораси 2600 тур, Самарқанд

вилоятининг 1700 тур бўлиб, ундан 201 тур доривор ўсимликлардир. Ўзбекистон флорасининг йўқолиб кетиш хавфи остида турган 163 тур ўсимлик “Қизил китоб”нинг 1984 йилги нашрига киритилган, янги “Қизил китоб”да эса (1998) киритилган ўсимлик турларининг сони 301 тага етди. 2006 йилги нашрида замбуруғларнинг 3 та вакили билан бирга гулли ўсимликларнинг сони 305 тага етди.

Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” да ўсимлик ва ҳайвонот тури, оиласи авлоди, туркуми тартибида алфавит бўйича рўйхатга олинган ва ҳар бир ўсимлик кўргазмали тарзда суратлари келтирилган. Бу ўз навбатида ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот турлари тўғрисида кенг омма томонидан аниқ тасаввурга эга бўлишларига ёрдам беради.

“Қизил китоб” муҳофаза чораларини кўчайтириш, кўриқхона ва буюртма худудларини кенгайтириш, ёввойи ўсимликлар билан савдо-сотикни тартибга солишда лицензиялар тизимини жорий қилиш каби бир талай муҳим тадбирларни кун тартибига кўяди. Бу борада республикамиз кўриқхоналарининг аҳамияти нихоятда катта.

Республикамиз худудида дастлабки кўриқхона 1929 йилда Туркистоннинг ғарбий қисмида ташкил қилинган бўлиб, 8000 гектар (га) майдонига эга. Бу кейинчалик ер майдони 15600 га кенгайтирилган ҳозирги Зомин кўриқхонасидир.

Китобга киритилган ўсимлик турлари 4 категорияга бўлинган: “0” макоми берилган ўсимлик турлари йўқолган ёки йўқолиш арафасида турган ўсимликлардир.

“1” макомидаги ўсимликлар турлари эса йўқолиб бораётган турлардир. Бунга йўқолиб кетиш хавфи остида турган, сақлаб қолиш учун махсус муҳофаза қилишни талаб этадиган ўсимлик турлари киритилган.

“2” макомидаги турлар эса ноёб турлардир. Бу гуруҳга маълум кичик майдонларда ўзига хос шароитларда сақланиб қолган, тез йўқолиб кетиши мумкин бўлган ва уларнинг сақланишини таъминлаш учун жиддий назоратни талаб етувчи турлар киради.

“3” макомидаги ўсимлик турлари камайиб бораётган ўсимликдир. Бу гуруҳга киритилган ўсимлик турлар маълум вақт ичида сони ва тарқалиш майдонлари табиий сабабларга ёки антропоген омиллари таъсири остида қисқариб кетаётган турлар киради.

Табиатни асраш ва бойликларидан тежамкорона фойдаланиш инсоният олдидаги энг муҳим муаммолардан бири. Қайсики, табиат эхсон-тухфаларини кўр-кўрона сарфлаш ва унинг бойликларини талон-тарож қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Табиат ҳақида қайғуриш-инсониятнинг ўзи ҳақида қайғуришдир, чунки инсон табиатнинг фарзандларидир. Табиат учун етказилган зарар инсоннинг ўзига қаратилган зарардир. Техника ва илмий тараққиётининг ривожланиши инсоннинг теварак атрофга бўлган таъсирини кучайтирди, бу эса ҳайвон ва ўсимлик дунёсининг қашшоқланишига олиб келди. Ўзбекистон биохилма-хиллигини сақлашда муҳофаза етиладиган табиий ҳудудлар катта аҳамиятга ега.

Ўзбекистоннинг бундай табиий ҳудудлари тизимига умумий майдони 2164 км² бўлган 9 та давлат қўриқхонаси, умумий майдони 6061 км² бўлган 2 та миллий боғ. Майдони 12 186,5 км² бўлган 9 та давлат буюртмаси ва битта ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш бўйича Республика маркази (“Жайрон” экомаркази) киради. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар умумий майдони 20520 км² ни ёни республика умумий ҳудудининг 5,2 % ини тушкил қилади.

Қўриқхоналарда табиат, унинг ёввойи вакиллари табиий қонунлар асосида яшайди. Қўриқхоналар Туркманистоннинг ўта хилма хил, гўзал ва саҳий табиатини муҳофаза қилади ва келажак авлод учун сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ давлат табиат қўриқхоналари қатъий муҳофаза қилинадиган ҳудудлар бўлиб, уларда ёввойи табиатнинг ҳаёти йил бўйи кузатиб борилади.

Қўриқхона деганда – инсоннинг хўжалик фаолияти бутунлай тақиқланган, табиий комплекс асл ҳолида сақланадиган ҳудудлар тушунилади. Қўриқхонанинг асосий вазифаси – табиатининг диққатига

сазovor кимматли ландшафтларини жамият манфаатлари учун сақлашдан иборат. Қўриқхона худудларидан хўжаликда фойдаланиш, хаттоки, пичан ўриш, ов қилиш, балиқ тутиш, қўзиқоринларни териш, умуман тақиқланади. Унинг худудларидаги мажмуалар табиий ҳолда сақланади. Бу ерда табиат бир бутун ҳолда ўрганилади.

Б.Б.Алихонов, В.П.Дим, Н.А.Ахмедов ва бошқаларнинг (2005 й) маълумотига кўра, бизда 9 та қўриқхона мавжуд бўлиб, у қуйидаги жадвалда келтирилган.

13-жадвал

Ўзбекистон қўриқхоналари

№	Қўриқхона номи	Майдони	Вилояти	Турлар сони	Қизил китобга киритилган тур номи
1	“Бадай-Тўқай” давлат қўриқхонаси	6642	Қорақалпоғистон Республикаси	160	2
2	Зарафшон давлат қўриқхонаси	2352	Самарқанд вилояти	300	-
3	Зомин тоғ арчазорлари давлат қўриқхонаси	26848	Жиззах вилояти (Зомин тумани)	700	13
4	Китоб давлат геологик қўриқхонаси	39,38	Қашқадарё вилояти (Китоб шаҳри)	800	22
5	Нурота тоғ-ёнғоқзор давлат қўриқхонаси	17.752	Жиззах вилоятининг Фориш тумани	814	29
6	Сурхон давлат қўриқхонаси	24.554	Сурхондарё вилояти	600	22
7	Қизилқум давлат қўриқхонаси	10311	Хоразм ва Бухоро вилоятларида	160	2
8	Ҳисор давлат қўриқхонаси	80986	Қашқадарё вилояти (Ҳисор тоғ тизмаси)	800-900	32
9	Чотқол биосфера қўриқхонаси	35724	Тошкент вилояти	700	13

III БОБ. ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ “ҚИЗИЛ КИТОБ” ГА КИРИТИЛГАН ФЛОРА ВА ФАУНАСИ

3.1. “Қизил китоб”га киритилган ўсимликлар ва уларнинг аҳамияти

“Экологик хабарномаси” журналини саҳифаларида, шунингдек, www.ekonews.uz да, глобал экологик фонди ва Халқаро биоранг-баранглик ташкилоти кўмагида, Ўзбекистон олимларини Марказий Осиё агробиоранг-барангликни ва тури бир хил бўлган ёввойи ўсимликларни сақлаш борасидаги лойиҳасини эълон қилгандик. Бу лойиҳа беш йилга мўлжалланган ва мевали дарахтларни ёввойи уруғдошларини, ва “табиий селексионер” яратган ўсимликларни ўрганиб, дунё аҳамиятига ега коллексияни яратиш кўзда тутилган. Ўзбекистон учун ажратилган биринчи ўриндаги ўсимликлар ёввойи арпа, бодом, писта, ёнғоқ, олма. Бу лойиҳада, Ўзбекистон Ўсимликшунослик Илмий-текшириш институти, Ўзбекистон Фанлар академияси ўсимликлар генетикаси ва экспериментал биологияси, манзарали дарахтлар ва мевали кўчатлар ўстириш бўйича Республика илмий ишлаб чиқариш маркази мутахассислари, фаолият олиб бормоқдалар. Лойиҳа асосида, олимлар ўсимликларни тарқалиб ўсаётган замонавий писта, ёввойи арпа, бодом, грек ёнғоғи, оломани, ёввойи ҳолда ўсаётган уруғдошларни катта ер майдонларни текшириб чиқишди.

Узоқ вақтлар давомида излаб топилмаган ва йўқолиб кетган деган хавотирда бўлинган ва Ўзбекистон “Қизил китоби”га – Ўрта Осиё ноки (*Pyrus asia-mediae*) номи билан киритилган дарахтнинг бугунги кунда учраши, кутилмаган омаддир. Олимларни кузатиши, бўйича кўпгина эндем турлар йўқолиб бормоқда, шунингдек, уларни ватани бўлган Тянь-Шань тоғи ён бағирларида ҳам. Ана шундай илмий экспедициялардан бирида, Ғарбий Тянь-Шань тоғида йўқ бўлиб кетган ноёб ёввойи нок дарахти топилди. Тошкент вилояти, Бостонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоғида истиқомат қилаётган Шоюнусов Шорасул ота хонадонидаги томорқасида юз

ёшдан зиёд, ёввойи нок *Rugus asia-mediae* дарахти, яхши сақланган ҳолда ўсмоқда.

Бу дарахт Ўзбекистон “Қизил китоби”га Ўрта Осиё ноки (*Rugus asia-mediae*) номи билан киритилган. Бу вақтгача, ёввойи нокни ягона аниқланган жойи, Тошкент вилояти, Испай-Муллали қишлоғи атрофидаги, Пском дарёси бўйидаги водий эди. Лойиҳа мутахассисларини гапи бўйича, Ёввойи нок (*Rugus asia-mediae*)нинг мевалари йирик, юқори ҳосилдор, замбуруғлик касалликларга ва мева куртакларига чидамли. Ҳозирги вақтда, бу дарахт навини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Агарда, биз маданийлаштирилган ўсимликларни авлоди бўлган, ёввойи ўсимлик турларини сақласак, уларни генларидан фойдаланиб серҳосил, қурғоқчиликка, совуққа ва зараркунандаларга чидамли, янги навларини етиштиришимиз мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон минтақасида, 4200 турдаги ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар, 2000 турдан ортиқ замбуруғ-қўзқоринлар ҳисобга олинган. Улардан 400 га яқин камёб, эндемик ва реликт турларига мансуб, уларни сақлашнинг самарали йўллари кидирмоқ лозим.

Айиқтовондошлар оиласи -*Ranunculaceae*

Камёблик даражаси **2. Олой тизмасидаги кичик майдонда тарқалган камёб, эндем ўсимлик.**

Қисқача тавсифи. Бўйи 35-45 см га етадиган ўқ илдизли, кўп йиллик ўт. Барглари асосан поянинг пастки қисмида ўрнашган. Барг банди узун, пастки қисми бироз кенгайган, япроғи юмалоқ-буйраксимон, 5 та панжасимон бўлакка ажралган, бўлаклари тесқари-тухумсимон, улар ҳам ўз навбатида бироз қирқилган. Пояси камшоҳ, 5-7 гулли. Гулкўрғони оч бинафша рангли, кенг эллипс-тухумсимон, пихлари ингичка, узунлиги 2,5 см, учи иккига ажралган. Июнь ойида гуллаб, июль ойида мевалайди.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Шохимардон дарёси ҳавзасида, Қирғизистонда ҳам учрайди (Ўш вилояти).

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки ва ўрта қисмидаги ён-бағирларда ва қояларда ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Ўсимликнинг умумий сонини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларини табиатда ва ботаника боғларида ўрганиш тавсия этилади.

ОҚ ПАРПИ

Камёблик даражаси 3. Тяньшан ва Помир-Олой тизмасидаги сон жиҳатдан қисқариб бораётган, ареали бўлинган эндем ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 1,5 м га етадиган, кўп йиллик, туганак илдизпояли ўт. Илдизпояси туганакларнинг ёнма-ён қўшилишидан ҳосил бўлган. Поялари оддий, тик ўсувчи. Поянинг юқори қисмидаги барглари бандсиз, қолганлари бандли, япроғи асосигача йирик тишли бўлақларга ажралган. Гул-лари поянинг юқори қисмида ўрнашган, йирик шингил ҳосил қилади, кўкимтир. Июнь-июлда гуллаб, июль-август ойларида меваси етилади.

Тарқалиши. Тошкент, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё вилоятлари: Писком, Чотқол, Қурама, Фарғона, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор тизмаларида тарқалган. Тожикистонда ва Қирғизистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта ва юқори қисмларидаги нам ерларда ва енбағирлардаги булоқларнинг атрофларида ўсади. Баъзан булоқ бўйларида кичик парпизорлар ҳосил қилади.

Сони. Бутун ареали бўйлаб бир-биридан анча узоқ жойлашган катта бўлмаган тўплар ҳосил қилади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Маданийлаштирилиши. Ўзбекистон Республикаси ФА Ботаника боғида ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Чотқол, Зомин кўриқхоналарида ва Мил-лий боғида ўстирилади. Бу турнинг биологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда маданийлаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Тилларанг суғурўт

Камёблик даражаси 2. Ўзбекистонда сони камайиб бораётган камёб тур.

Қисқача тавсифи. Шода ил-дизли, кўп йиллик ўт. Илдизининг йўғонлашган юқори қисми (каудекс)дан 10-20 та поя ўсиб чиқади. Барглари патсимон бўлинган, узунлиги 10-30 см, ёпирма барглари узун бандли, поядагилари эса бандсиз. Пояларининг учида йирик, диаметри 4-5 см келадиган тилларанг гуллар ўрнашган. Меваси тухумсимон, илмоқсимон ўсимтага эга. Июнь-июль ойларда гуллаб, меваси августда пишади.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Олой тизмасининг Шоҳимардон дарёси ҳавзасида тарқалган. Бундан ташқари, Синьцзян (ғарбий Хитой), Тибет, шимоли-ғарбий Ҳимолой тоғида учрайди.

Ўсиш шароити. 2400-3000 м баланликдаги тоғларнинг майин тупроқли ва шағалли ёнбағирларида ўсади.

Сони. Шоҳимардон дарёси ҳав-засида 1000 гектарга яқин майдонни эгаллаганлиги аниқланган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Уруғининг униб чиқиш даражаси ниҳоятда пастли-ги ҳамда турлараро рақобатчиликда заифлиги туфайли кўпайиши қийин, кўп уруғлари-нинг етилмай қолиши, 50 фоизда муртак бўлмаслиги сабаб бўлмоқда. Уруғининг униши 10-20 фоизни ташкил этади. Гули ҳосил бўлгунча орадан 6-7 йил ўтади. Бу даврда ёш ўсимликларнинг 90 фоизи куриб қолади.

Маданийлаштирилиши. Бу ўсимлик бошқа ерга уруғидан, бач-кисидан ёки тупи билан кўчириб экилганда кўкармади. Лаборатория шароитида ҳам уруғидан ўсмаган. Табиий шароитда ўсадиган ерга экилганда - яхши натижа берган.

Муҳофаза чоралари. Шоҳимардон дарёси ҳавзасида турни сақлаб қолиш учун назоратхона ташкил қилиш керак.

Бигноинядошлар оиласи -*Bignoniaceae*

Ольга инкарвиллеяси

Камёблик даражаси 2. Помир-Олойдаги жуда камёб, йўқолиб кетиш арафасидаги қадимги тур.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик ўт ўсимлик, бўйи 1,5 метргача етади. Пояси унча кўпмас, тик усади. Барглари оддий, узунлиги 6-10 см, патсимон қирқилган. Гуллари ўсимликнинг учидаги рўваксимон тўпгулларда ўрнашган. Гулбанди 1 см гача узунликда, гулёнбаргчали. Косачаси туксиз, узунлиги 3-4 см, кенг учбурчак тишчали. Гултожи воронкасимон, йирик, 5 бўлмали, пушти-тўққизил рангли, баъзан оқ, узунлиги 4 см, ташқи томони туксиз, ички томони сийрак тукли. Чангчиларининг иплари туксиз, чангдони икки қанотчали, сийрак тукли. Тугунаги узун, туксиз устунчали. Меваси кўп уруғли, чўзиқроқ, чармсимон, сал қийшайган кўсакча, узунлиги

5-10 см, эни 1см. Уруғи 1 см гача узунликда, ярим пардасимон, оқ қанотчали. Июнь-августда гуллаб, август-сентябрда меваси етилади.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Помир-Олой (Олой тизмасида) Сох ва Шохимардон дарёлари воҳасида тарқалган. Ўзбекистондан ташқари Қирғизистон ва Тожикистон республикаларида ҳам тарқалган.

Ўсиш шароити. Адир ва тоғлар-да 1500-2500 м баландликдаги шағалли дарё ўзанларида, майда чағир тошли, тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Кичик гуруҳлар хосил қилиб ўсади. Ўсимликларнинг сони аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Антропоген омилларнинг таъсирида ва кўплаб мол боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. ЎЗРФА "Ботаника" илмий-ишлаб чиқариш марказининг акад. И.Ф.Русанов номидаги Ботаника боғида 1961 йилдан бери мувоффақиятли ўстирилмоқда.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Бурчокдошлар оиласи - Fabaceae [Leguminosae]

Борис астрагали

Камёблик даражаси 2. Олой тизмасидаги камёб, эндем тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 30 см, деярли поясиз ёки жуда қисқа пояли, барг қолдиқлари билан ўралган кўп йиллик ўсимлик. Барги 10-23 см узунликда, баргчалари 10-13 жуфт, чўзиқ эллипс шаклида ёки ўткир-наштарсимон, узунлиги 7-15 мм, қаттиқ, япроқчаларининг ҳар икки томони ётиқ оқ тукли. Шингили қисилган, қисқа, 6-8 гулли. Дуккаги бандсиз, чўзиқ-тухумсимон, 14-15 мм узунликда, қаттиқ, хурпайган оқ туклар билан қопланган, икки уяли. Июнда гуллаб, августда меваси етилади.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Олой тизмасининг Шоҳимардон дарёси хавзасида тарқалган.

Усиш шароити. Арчазорларда ва тошли тоғ ёнбағирларида ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда учрайди.

Кўпайиши. Уругидан кўпаяди.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган.

Зарҳал астрагал

Камёблик даражаси 2. Олой ҳамда Туркистон тизмаларида ўсадиган камёб, эндем ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 15 см га етадиган деярли поясиз кўп йиллик ўт. Пастки барглари оддий, якка, юқоридагилари эса икки жуфтли, баргчалари тесқари-тухумсимон, ҳар икки томони ётиқ тукли. Гулпояси баргига деярли тенг, 6-8 гулли, гуллари очқизил. Июлда гуллаб, уруг беради.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Олой тизмасининг денгиз сатҳидан 1600-1800 м баландликдаги Шоҳимардон, Кўли-Куббон, Ёрдон қишлоқлари атрофида, Увлардисойда ҳамда Сўх, Пешкаўт дарёларининг ҳавзаларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тошли қуруқ қияликларда, ола жинсли ёнбағирларда, тошлоқларда ва сурилмаларда усади.

Сони. Якка-якка ҳолда, баъзан кичик-кичик тўплар ҳосил қилиб учрайди. Асосан Шоҳимардон, Сўх ҳамда Пешкаўт дарёлари ҳавзаларида кўпроқ сақланиб қолган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва молларининг кўплаб боқилиши туфайли унинг майдонлари кескин даражада қисқариб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ўсиб турган ерларини муҳофаза қилиш ва назорат остига олиш лозим.

Иккиранг астрагал

Камёблйк даражаси 2. Олой тизмасида кам тарқалган эндем тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 3-4 см келадиган, ётиқ қалин туклар билан қопланган, деярли поясиз, кўп йиллик ўт. Барги 1-2 см узунликда, барг банди ингичка, узунлиги 2-5 мм, баргчалари 4-5 жуфт, чўзиқ, узунлиги 2-7 мм, эни 1 мм, иккала томони қалин тукли. Шингили 2-3 гулли. Косачаси найсимон, узунлиги 12-16 мм. Тожбарги сариқ, баъзан қизғиш рангда. Дуккагининг узунлиги 20-25 мм, эни 3 мм, учига ва тубига қараб торайган, тумшукчаси қисқа, кўндаланг томирли, майда ётиқ тукли, икки томонидан қисилган. Апрель ойида гуллаб, Апрель-май ойларида уруғ беради.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Олой тизмасининг Чимён, Шоҳимардон, Садқоқ ва Қадамжой қишлоқлари атрофларида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғ этакларидаги жарликларда, шағалли соз тупроқларда ва туб жинсларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда учрайди.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аникланма-ган.

Маданийлаштирилиши. Маъ-лумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Мавжуд тўплари назорат остига олиниши лозим.

Юлинган астрагал

Камёблик даражаси 2. Олой тизмасида ўсадиган камёб ўсим-лик.

Қисқача тавсифи. Пастки қис-ми ёғочланувчи ярим бутача. Баргининг узунлиги 7-12 см, барг бан-дининг узунлиги эса 15-17 см, оқ туклар

билан қопланган. Гулпояси баргига тенг, баъзан эса ундан сал узунроқ. Шингили сийрак, 10-25 гулли. Косачаси мевалаган пайти-да шишади. Гули сарик. Дуккаги ярим овал ёки чўзиқ ярим овал шаклда. Май-июн ойида гуллаб, июнь-июлда меваси етилади.

Таркалиши. Фарғона вилояти: Олой тизмасида (Шоҳимардон, Садқоқ, Қизилтоғ қишлоқлари ат-рофларида) тарқалган.

Ўсиш шароити. Денгиз сатҳидан 1200-1600 м баланликда-ги тоғ ёнбағирларида қизил кумтошларда, маида жинсли ва шағалли тупроқларда ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда ёки бир нечта туп ўсимликдан ташкил топган кичик тўплар ҳосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва кўплаб чорва молларининг боқилиши унинг кўпайишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маданийлаштирилиши. Ўзбекистан Республикаси ФА Ботаника боғида ўстирилмоқда.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Табиатда камайиб кетиш сабабларини аниқлаш учун унинг биологиясини ва экологияси-ни ўрганиш лозим.

Қизғиш астрагал

Камёблйк» даражаси 1. Фарғона водийсидаги ниҳоятда камёб, эндем ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 35 см гача етадиган оқ момик тукли, поясиз, кўп йиллик ўт. Барги 30-35 см узунликда, хурпайган қалин тукли, баргчалари 14-18 жуфт, юмалоқ-тухумсимон. Гулпояси 15 см узунликда, қисқа хурпайган қалин тукли. Шингили 11-18 см орасида, 8-15 та қизил гулли. Дуккаги шишган, тухумсимон, узунлиги 2 см, кайишсимон, сирти бўртик чокли. Апрель-май ойларида гуллаб, май-июнда меваси етилади.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Фарғона водийсининг Ёзёвон чўлида, Кўқон шаҳри атрофидаги бўз ерларда ва Қорақалпоқ қишлоғи теварагида ўсади.

Ўсиш шароити. Қум уюмлари орасида, шўрланган қумларда кўпроқ ўсади.

Сони. Жуда кам уч-райдиган тур. У фақат ўзлаштирилмай қолган қум уюмлари орасида сақланиб қолган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштирилган майдонлар ҳисобига қисқариб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумот йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган. Қум уюмлари сақлаб қолиниб, назорат остига олинсагина бу турни сақлаб қолиш мумкин. Уни кўпайтириш учун табиатда ва Ўзбекистон Республикаси ФА Ботаника боғида ўсимликнинг биология ва экологиясига оид тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Жанубий Фарғона астрагали

Камёблик даражаси 0. Фарғона водийсидаги ниҳоятда камёб, эндем ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Кўп йиллик ўт, бўйи 10-20 см. Пояси ингичка, оқ тукли. Барги 1-2-3 жуфт баргча-ли, узунлиги 1-2-6 см, япроқчалари юмалоқ. Косачаси 12-18 см узунликда, сийрак оқ ва қора тукли. Байроқчаси сариқ, узунлиги 20 мм, қанотчаси 17-18 мм узунликда, қайиқчасининг узунлиги 18-20 мм. Дуккаги 20-50 мм узунликда, бан-дининг узунлиги 2-3 мм, тўғри, тумшукчасининг узунлиги 8-10 мм, оқ тукли.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Фарғона водийсида (Янгиариқ) тарқалган.

Ўсиш шароити. Шўр саз тупроқларда ўсади.

Сони. Бир марта, 1928 йили А. Иоффе томонидан йиғилган. Бу тур йўқолиб кетган бўлса керак.

К ў п а й и ш и . Уруғидан кўпайган

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимликлар тарқалган жойларда хўжалик ишлари юритилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Ширачдошлар оиласи – Asphodelaceae

Нор ширач (хулка бола)

Камёблик даражаси **3**. Тяншан ва Помир-Олойдаги ареали ажрал-ган ва қисқариб бораётган эндем ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 100-250 см га етадиган кўп йиллик йирик ўт. Илдизпояси қисқа, нурсимон жойлашган, бўлаклари ур-чуксимон йўғонлашган. Барглари кенг қалами, эни 4-8 см, силлиқ. Шингили тиғиз, кўп гулли, цилиндр шаклда, узунлиги 35-120 см. Гу-лолди баргчалари учбурчак шаклда. Шингилининг пастки қисмидаги гулларининг банди гулкўрғонидан 1,5-2 марта узун. Гулкўрғон баргчалари якка томирли, оч пушти рангли. Чангчилари гулкўрғонидан би-роз қисқа. Меваси - юмалоқ, силлиқ кўсакка ўхшайди, эни 1,5-2,5 см. Май-июлда гуллайди, июль-августда меваси етилади.

Таркалиши. Тошкент, Наманган, Жиззах, Самарканд, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари: Фарбий Тяншан ва Помир-Олойнинг барча тизмалари. Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистонда ҳам учрайди.

Усиш шароити. Тоғнинг ўрта қисмидаги майда жинс тупрокли ва тошли ёнбағирларда ўсади.

Сони. Якка-якка ва кичик тўплар ҳосил қилиб ўсади. Тошкент вилояти худуди бўйича 100 000 атрофида тури бор.

Кўпайиши. Уруғидан ва вегетатив йўл билан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Аҳоли томо-нидан териб олиниши ва чорва молларини куплаб бокилиши туфайли камайиб бормокда.

Маданийлаштирилиши. 1954 йилдан буён Ўзбекистан Республикаси ФА Ботаника боғида ўстирилади.

Муҳофаза чоралари. Чотқол биосфера кўриқхонасида муҳофаза қилинади. Ботаника боғларида кўпайтириш лозим.

Шотарадошлар оиласи– Fumariaceae

Туркистон шотарачаси

Камёблик даражаси **1**. Олой тизмасидаги жуда камёб, эндем ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 10-15 см орасидаги кўп йиллик, кўкимтир ўт. Пояси битта, ингичка, асосидан шохланган. Барглари узун бандли, икки карра уч бўлак, туксиз. Яп-роқлари 2-3 бўлакли. Тўпгули соя-бонсимон, камгулли шингил, барг-ларидан қисқа. Гуллари майда, кўримсиз, сарғиш. Меваси ёнғоқча, узунлиги 3 мм, эни 1 мм, қорамтир рангли, ғадир-будир. Май-июн ойларида гуллаб, июль-августда меваси етилади.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Шоҳимардон ва Исфайрам дарё-лари ҳавзаларида тарқалган. Қирғизистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Оҳақтошли қояларнинг ёриқларида ўсади.

Сони. Водил, Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоқлари ўртаси-даги қояларда 5 та тупи мав-жуд. Тошқояларда ўсиши туфайли сони ҳам ниҳоятда кам.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареали-нинг ўзгариш сабаблари. Аниқланмаган.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Ўсимлик ареалига аниқлик киритиш ва биологик хусусиятларини ўрганиш лозим.

Сертук бузоқбош

Камёблик даражаси **2.** Фарғона водийсидаги ареали қисқариб бораётган камёб, эндем ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 25 см га етадиган, асосидан шохланувчи, тарвақайлаган, қисқа туклар билан қопланган, бир йиллик этдор ўт. Барглари ингичка-калами, узунлиги 20-40 мм, пастки томони каба-риқ, устки томони ясси. Гулқўрғон баргчалари (5) юпка, узунлиги 6-7 мм, ўткир учли. Меваси конуссимон, асоси ясси, узун чалкаш туклар билан қопланган. Июль-сентябрь ойларида гуллаб, мева беради.

Таркалиши. Наманган, Фарғона вилоятлари: Фарғона во-дийсида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғ этакларида, тош-шағалли туп-роқларда, курук ўзанларда ўсади.

Сони. Табиатда якка-якка ҳолда тарқалган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Чорва моллари истеъмол қилиши ва ўсимлик тарқалган ерларнинг ўзлаштирилиши оқибатида камайиб бормокда.

Маданийлаштирилиши. Ўзбекистан Республикаси ФА Ботаника институтининг тажриба даласида ўстириб кўрилганда ижобий натижа бермаган.

Муҳофаза чоралари. Табиий ҳолда ўсиб турган жойларини саклаб қолиш лозим.

Дробов шўраги

Камёблик даражаси **2.** Ғарбий Тяншан ва Олой тизмасидаги камёб, эндем тур.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50-70 см келадиган яримбута. Бир йиллик пояларининг узунлиги 20 см, оқиш, туксиз, баъзан ғадир-будир. Барглари кетма-кет жойлашган, туксиз, кўкимтир, этли, калами, узунлиги 1,5-2,5 см,

эни 1-1,5 мм, тўмтоқ. Тўпгули ёйиқ бошоқсимон. Гулқўрғон баргчалари чўзиқ-тухумсимон ёки чўзиқ-овал шаклида, узунлиги 4-6 мм, пардасимон, туксиз, рангсиз. Уруғи ётиқ жойлашган. Июлда гуллаб, октябрь ойида меваси етилади.

Таркалиши. Фарғона вилояти: Фарғона водийсида ва Олой тизмасида тарқалган. Қозоғистонда ва Қирғизистонда ҳам учрайди.

Ўсиш шароити. Тош-шағал тупроқли ёнбағирларда, баъзан ола жинсларда ва тоғларнинг қуи қисмида ўсади.

Сони. Якка-якка ҳолда, баъзан эса йирик тўплар ташкил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ўсимликнинг кам уруғ бериши ва уруғидан яхши униб чиқмаслиги, шунингдек у усган жойларда чорва молла-ри муттасил боқилиши сабабли сони қисқариб кетмоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Тиёншан антохламиси

Камёблик Даражаси 1. Фарғона водийсида тарқалган камёб эндем тур.

Қисқача тавсифи. Бир йиллик, сершоҳ ўт ўсимлик, бўйи 30-90 см, пастки қисми туксиз, юқори қисми қисқа, жингалак тукли. Гуллари икки жинсли, рўваксимон тўпгулда ўрнашган. Чангчиси 5та. Гулқўрғони пардасимон. Барглари оддий, ясси, пасткилари наштарсимон, бандли, юқоригилари қалами, учи ўткир. Гулолди барги наштар-симон, учи ўткир, гулқўрғонидан узун, мевасидан кичик. Меваси-нинг эни 3 мм, учи чуқурчали. Август ва сентябрда гуллаб, меваси етилади.

Таркалиши. Фарғона ва Наманган вилоятлари: ғарбий Тиёншан (Фарғона водийсининг шимо ли-шарқии, шимоли-ғарбий қисми) да тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг пастки қисмларидаги чағиртошли, тош-чағиртошли тупроқларда ўсади.

Сони. Асосан якка-якка холда ўсади. Айрим жойларда кичик-кичик жамоалар хосил қилади. Сони аниқланмаган.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Кўплаб мол боқилиши туфайли камайиб кетган.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақда маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Қўриқланмайди.

Фарғона донашўри

Камёблик даражаси **1.** Фарғона водийсида тарқалган камёб эндем тур.

Қисқача тавсифи. Бир йиллик, ўт ўсимлик, бўйи 5-50 см, асосидан шохланган, қисқа, оддий, ингичка, жингалак тукли, кейинроқ пастки қисми туксизланади. Барглари қарама-қарши ўрнашган, қалами, йўғонроқ, учида узун, бўғимли, эрта тушиб кетадиган бир боғлам тукли, узунлиги 15-20 см, эни 2-2,5 мм. Гулолди барглари қарама-қарши ўрнашган, қўшилмаган, гулён-баргчаларидан узун. Гулёнбаргчалари гулкўрғонидан қисқа. Гулкўрғон бўлаклари наштарси-мон, узунлиги 4-6 мм, сирти тукли. Чангдони қалами, узунлиги 2,5-3 мм. Июнь-июлда гуллаб, меваси етилади.

Тарқалиши. Наманган ва Фарғона вилоятлари: Фарғона водийсининг шарқий қисмида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғ этакларидаги шўрланган, майда чағиртошли тупроқларда усади.

Сони. Табиатда якка-якка ёки кичик жамоалар хосил қилиб ўсади.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Ерларнинг дехқончилик қилиш учун ўзлаштирилиши туфайли қисқариб кетган.

Маданийлаштирилиши. Бу ҳақда маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Муҳофаза қилинмайди.

Маргарита мармараги

Камёблик даражаси **2**. Олой тизмасида камёб, эндем ўсимлик.

Қисқача тавсифи. Бўйи 50 см га етадиган ярим-бута. Поялари кўп, асосидан шохланган. Барглари майда, наштарсимон, бандсиз. Косача баргларининг узунлиги 18 мм, бинафша рангли, безчасимон тукли. Тожбарглари тўқ бинафша рангли, безчасимон тукли, узунлиги 30-40 мм. Июнда гуллаб, июль ойида меваси етилади. Манзарали ҳамда доривор ўсимлик.

Тарқалиши. Фарғона вилояти: Олой тизмасидаги Шохимардон дарёси воҳасида тарқалган.

Ўсиш шароити. Тоғларнинг ўрта қисмида тошли ва майда жинс-тошли очик ёнбағирларда ва қояларда ўсади.

Сони. Шохимардон дарёси ҳав-засида 10-15 тўпи борлиги аниқланган. Тупларининг сони номаълум.

Кўпайиши. Уруғидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареа-лининг ўзгариш сабаблари. Уруғидан яхши унмаслиги, чорва моллари боқилиши, дам олиш уйлари қурилиши унинг қисқариб кетишига сабаб бўлмокда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Алоҳида муҳофаза тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Бу турни маданий шароитда экиб ўрганиш лозим.

Геастрдошлар оиласи- Семейство Геастровые-Geastraceae

Юлдузсимон геаструм

Камёблик даражаси **1**. Чотқол тизмасидаги йўқолиб бораётган замбуруғ.

Қисқача тавсифи. Мева танасининг диаметри очик ҳолатда 4-6 см, ёпиқ ҳолатда 3 см га тенг. Экзоперидийси ярмигача ҳар хил катта-ликдаги 5-15

бўлакчаларга ажрал-ган (юлдузчасимон). Мўрт, оқиш ёки сарғиш-кўнғир, қуриганда кўнғир рангга киради. Бўлакчалари қуриганда пастга қараб буралади. Эндопирийдиси силлиқ ёки ғадир-будир, оч сарик ёки кўнғирсимон. Споралари оч жигарранг, шираси-мон. Июль-октябрь ойларида усади.

Таркалиши. Наманган вилояти: Қурама тизмасидаги Дўғоб қиш-лоғи (Поп тумани) атрофидан йиғилган. Ўзбекистондан ташқари: чет элларда кенг тарқалган.

Ўсиш шароити. Мевали дарахтлар тагидаги нам тупроқларда учрайди.

Сони. Аниқланмаган.

Кўпайиши. Спорасидан кўпаяди.

Ўсимлик сони ва ареалининг ўзгариш сабаблари. Экологик омилларнинг салбий таъсирида камайиб бормоқда.

Маданийлаштирилиши. Маълумотлар йўқ.

Муҳофаза чоралари. Махсус муҳофаза чоралари ишлаб чиқилмаган.

жадвал

Қизил китобга киритилган Фаргона водийсининг ўсимликлари тўғрисида

№	Турлар	Хаётий шакли	Ареали
1.	<i>Delphinium knorringianum</i>	Кўп йиллик	Шохимардон хавзасида
2.	<i>Aconitum serarschanicum</i>	Кўп йиллик	Фаргона вилоятида
3.	<i>A. Talassicum</i>	Кўп йиллик	Фаргона вилоятида
4.	<i>Adonis chrysoeoyathus</i>	Кўп йиллик	Шохимардон хавзасида
5.	<i>Astragalus borissianus</i>	Кўп йиллик	Шохимардон хавзасида
6.	<i>A. Aurutus</i>	Кўп йиллик	Шохимардон хавзасида
7.	<i>A. Dianthoides</i>	Кўп йиллик	Шохимардон хавзасида
8.	<i>A. rhacoedes</i>	Ярим бутача	Шохимардон хавзасида

9.	<i>A. rubellus</i>	Кўп йиллик	Ёзёвон чулида
10.	<i>Oxitropis schachimardanica</i>	Кўп йиллик	Шохимардон хавзасида
11.	<i>Hedysarum angrenicum</i>	Кўп йиллик	Фаргона водийси
12.	<i>Crocus karalkovii</i>	Кўп йиллик	Фаргона вилоятида
13.	<i>Mogoltaria sewerzowii</i>	Кўп йиллик	Фаргона вилоятида
14.	<i>Oenanthe Sedthschencoana</i>	Кўп йиллик	Кукон атрофида
15.	<i>Fergania polyantha</i>	Кўп йиллик	Фаргона вилоятида
16.	<i>Phisochlaina alaica</i>	Кўп йиллик	Шохимардон хавзасида
17.	<i>Tulipa Serganica</i>	Кўп йиллик	Фаргона водийси
18.	<i>Allium aflatunense</i>	Кўп йиллик	Наманган вилояти
19.	<i>Sorbaria olgaye</i>	Бута	Шохимардон хавзасида
20.	<i>Nathaliella alaica</i>	Кўп йиллик	Шохимардон хавзасида
21.	<i>Calligonum elegans</i>	Бута	Фаргона водийси
22.	<i>C. Calcareum</i>	Бута	Фаргона водийси
23.	<i>Allochrusa gypsophiloides</i>	Кўп йиллик	Наманган вилояти
24.	<i>Aconthophyllum albidum</i>	Ярим бута	Фаргона водийси
25.	<i>Lonicera paradoxa</i>	Бута	Шохимардон хавзасида
26.	<i>Fumariola turkestanica</i>	Кўп йиллик	Шохимардон хавзасида
27.	<i>Halimosnemis losiantha</i>	Бир йиллик	Фаргона водийси
28.	<i>Sulgola drobovii</i>	Ярим бута	Фаргона водийси
29.	<i>Salvia margaritae</i>	Кўп йиллик	Шохимардон хавзасида
30.	<i>Cousinia pentacanthoides</i>	Кўп йиллик	Наманган вилояти
31.	<i>Lamyropappus schacaptaricus</i>	Кўп йиллик	Наманган вилояти
32.	<i>Salvia margaritae</i>	Кўп йиллик	Наманган вилояти

У 1871 йилда Олга Федченко томонидан терилган, ундан бери бошқа ҳеч ким томонидан қайд қилинмаган. Бу тур тўғрисида қушимча қидирув ва тадқиқотлар олиб бориш, уни бор-йўқлигини аниқлаш зарур.

Умуман, Фаргона водийсига ҳос 3та тур қайд қилинган (улар *Hedysarum angrenicum*, *Crocus korolkovii*, *Mogoltovia sewerzowii* ҳамда *Tulipa ferganica*, Кизгиш астрагал (*Astragalus rubellus*) факатгина марказий Фаргона чул зонасидагина (Коракалпок кишлоғи атрофида) тарқалган. Федченко

пилдирок меваси (*Oenanthe fedcthenkoana*) ҳам нодир ва камёб тур хисобланиб у факат Кукон шаҳри атрофида йигилган холос.

Булардан ташқари, Шохимардон хавзасида жуда Кўп ўсимликлар пайхон килиниб, уларнинг табиий захиралари кескин камайиб кетмокда. Айниқса ушбу зиёратгоҳ ва дам оладиган Шохимардон ва Ёрдон кишлоклари атрофларидаги доривор ўсимликларни табиий захиралари кескин камайиб кетмокда. Мисол учун, ушбу жойлардаги чой утининг 3та тури, кийик ути, арслонкуйрук, улмас ути, бозулбанг (*Lagochilus pubescens*, *L. paulseni*) иккита тури ва бошқаларнинг захиралари тугатилган. Фаргона водийсида тарқалган ва «Кизил китиб»га киритилган турларни саклаб қолиш ва муҳофазат қилиш зарур. Улар ҳам бизга ва ҳам келгуси авлодга узок муддат хизмат қилишлари керак.

Юкоридаги ўсимликлар тўғрисидаги устивор муаммолар нималардан иборат: «Кизил китобга» киритилган ва номлари юкорида баён қилинган турларни атрофлича тадқиқ қилиш, уларни ареаллари ва табиий захираларини аниқлаш керак. Юкоридаги турларни ичида сугурути ва хиёл ўсимликларини био-экологик ҳолатлари анча ёмон. Чунки у турларга антропоген омилларнинг таъсири кучли. Қандай бўлишидан қатъий назар Фаргона водийсида тарқалган 31 та турни табиий популяцияларини ҳолатларини яхшилаш зарур, баъзи турларни (сугурути, хиёл) маданийлаштириш керак. Улар тарқалган копланларда фитомелиорация ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ.

3.2. “Қизил китоби” га киритилган ҳайвонлар ва уларнинг ахамияти

Саид-Алиев тақир тўғаракбоши Круглоголовка Саид-Алиева

Said-Aliev's Toad Agama

Phrynocephalus helioscopus (Pallas, 1771) ssp. saidalievi Sattorov, 1981

Мақоми. 1(EN): Йўқ бўлиб кетаётган, қисқа ареалли, эндемик кенжа тур.

Тарқалиши. Фарғона водийси. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон ва Қирғизистоннинг туташ худудлари. Ўзбекистоннинг қолган худудларида, Ўрта Осиёнинг бошқа мамлакатларида, Қозоғистонда, Россия жанубида (қуйи Поволжье, Доғис-тон), Кавказортида, Эронда, Афғонистонда - бошқа кенжа турлари.

Яшаш жойлари. Текислик ва тоғ этакларидаги қаттиқ тақирсимон, шағалли, шўр тупроқпи, ўсимлиги кам чўллашган ерлар туби лойқали қуриб қолган дарё ўзанлари.

Сони. 1960-1970 йилларда кўп бўлган, ҳозирда жуда кам учрайди.

Яшаш тарзи. Март ойидан октябр охиригача фаол, ўз инида ёки кемирувчилар уясига беркинади ва ўша ерда қишлайди. Март-апрел ойларида жуфтлашади. Йилига 2-3 марта - май-июн ойларида - 2-10 та тухум қўяди. Июнь-июлда болалари тухумни ёриб чиқади ва бир қишловдан сўнг жинсий вояга етади. Майда ҳашаротлар ва ўргимчаксимонлар билан озикланади.

Чекловчи омиллар. Қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Сақланиб қолган барча локал популяцияларини аниқлаш, муҳофазасини ва тутқинликда кўпайтиришни ташкиллаштириш лозим.

Рустамов сцинк геккони Сцинковый геккон Рустамова

Rustamov Turkestan Plate-tailed Gecko

Teratoscincus scincus (Schlegel, 1858) ssp. *rustamowi* Szczerbak, 1979

Мақоми. 1(EN): Йўқ бўлиб кетаётган, мозаик тарқалган, эндемик кенжа тур.

Тарқалиши. Фарғона водийсининг жануби. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистоннинг туташ ҳудудлари. Ўрта Осиёнинг қолган ҳудудларида, Фарбий Осиёнинг шарқий қисмида, Қозоғистонда -бошқа кенжа турлари.

Яшаш жойлари. Чўлнинг сочи-лувчан, қисман ва буткул мустаҳкамлашган қумли массивлари, шўрхок тақирлар ва тоғ этакларининг зич тупроқли ерлари.

Сони. 1980-йилларда бир гек-тарда ўрта ҳисобда 12-24 донагача учрар эди (Оққум, Езёвон чўллари). 1999 йилда Езёвон табиий ёдгорлиги ҳудудида 2,5 км ора-ликда 39 та ҳисобга олинган. Ҳозирда яшаш жойларининг аксариятида йўқ бўлиб кетган.

Яшаш тарзи. Март-октябр ойларида (тунлари) фаол, кундузи қумнинг нам қатламигача етадиган инига яширинади, ўша ерда қиш-лайди ҳам. Жуфтлашиши - апрелда. Иилига 2 марта (июн-августда) 1-2 та тухум қўяди. Боласи июл-августда тухумдан чиқади, 2 йилда жинсий вояга етади. Майда хашарот ва ўргим-чаксимонлар б и л а н озикланади.

Чекловчи омиллар. Чўл зонасидаги ерларнинг ўзлаштирилиши; айниқса суғориш.

Кўпайтириш. Тошкент ҳайвонот боғида кўпайтирилмоқда.

Муҳофаза чоралари. Ёзёвон табиат ёдгорлиги ҳудудида сақланади. Сақланиб қолган барча локал популяцияларини аниқлаш, муҳофазасини ва тутқинликда кўпайтиришни ташкиллаштириш лозим.

Қалқонли гекконча Панцирный геккончик

Testaceous Gecko

Alsophylax loricatus Strauch, 1887

ssp. loricatus Strauch, 1887

Мақоми. 1 (EN): Йўқ бўлиб кетаётган, мозаик тарқалган, реликт эндемик кенжа тур.

Тарқалиши. Фарғона водийси. Ўзбекистондан ташқарида: Шимо-лий Тожикистон, Хоразм вил. ва Туркманистонда - бошқа кенжа тури.

Яшаш жойлари. Қадимги воҳалар, эски пахса қурилма ва харобалар, ариқ бўйлари. Табиий биотопларда йўқ бўлиб кетган.

Сони. 1970-йилларгача кўп бўлган; ҳозирда аксарият яшаш жойларида йўқ бўлиб кетган, қолганларида эса санокли учрайди.

Яшаш тарзи. Март-октябрда тунлари фаол, кундузи лой су-воқли эски уйлар деворларининг ёриқ ва коваклари, турли ахлат қолдиқлари, эски чириган ёғоч тўпламлари тагига, ариқ бўйларидаги ҳашаротлар ва кемирувчилар инига беркинади, ўша ерда қиш-лайди ҳам. Апрель-майда жуфтла-шади. Июнь-августда бир-икки марта 1-2 тадан тухум қўяди. Августда болалари тухумдан чиқади ва ҳаётининг иккинчи йили-да жинсий вояга етади. Майда ҳашаротлар ва ўргимчаксимонлар билан озикланади.

Ч е к л о в ч и о м и л л а р . Суғориш тармоқларини қай-та тиклаш ва таъмирлаш, қишлоқ қурилиши.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Сақланиб қолган барча локал популяцияларни аниқлаш, улар муҳофазасини ташкиллаштириш зарур, кўпайтиришни ташкил қилиш лозим.

Фарғона қум калтакесаги Ферганская песчаная ящурка

Sand Racerunner

Eremias scripta (Strauch, 1867)

ssp. pherganensis Szczerbak et Washetko, 1973

Мақоми. 1 (EN): Йўқ бўлиб кетаётган, локал тарқалган, Фарғона водийси эндемик кенжа тури.

Тарқалиши. Фарғона водийси. Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон, Ўрта Осиё мамлакатларининг қолган худудлари, Қозоғистон, Эрон, Афғонистон ва Покистонда -бошқа кенжа турлари.

Яшаш жойлари. Чўлларнинг қуми кўчадиган ёки қисман ва буткул мустақкамлашган массивлари.

Сони. 1960-1970 йилларда локал популяцияларда ҳар бир гектарда 14-25 тагача ҳисоб-га олинар эди. Ҳозирда аксарият яшаш жойларида йўқ бўлиб кетган, қолганларида эса ниҳоятда кам учрайди. 1999 йилда Ёзёвон та-бий ёдгорлиги қумларида гектарда 1-5 та ҳисобга олинган.

Яшаш тарзи. Март-октябрда фаол; ўз инида яшайди ва қишлай-ди. Апрельда жуфтлашади. Йилига 2-3 марта май-июл ойларида 1-2 та-дан тухум кўяди. Болалари июн-августда тухумдан чиқади ва қишловдан сўнг жинсий вояга етади. Унча йирик бўлмаган хашарот ва ўргимчаксимонлар билан озиқлана-ди.

Ч е к л о в ч и о м и л л а р . Чўл зонасидаги кўрик ерларнинг ўзлаштирилиши, айниқса шудгорлаш ва суғориш.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари. Ёзёвон табиат ёдгорлиги худудида муҳофаза қилинади. Сақланиб қолган барча локал популяцияларини аниқлаш, муҳофазасини ва тутқинликда кўпайтиришни ташкиллаштириш лозим.

Бўз эчкемар Серый варан

Desert Monitor

Varanus griseus (Daudin, 1803) ssp. caspius (Eichwald, 1831)

Мақоми. 2 (VU:D): Заиф, қисқариб бораётган, мозаик тарқалган кенжа тур.

Тарқалиши. Жанубий Оролбўйидан Фарғона водийсигача бўлган текисликлар. Ўзбекистондан ташқарида: Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг жануби, Афғонистон, Эрон. Осиёнинг ғарби жанубида, Шимо-лий Африка, Ҳиндистон, Покистонда - бошқа кенжа турлари.

Яшаш жойлари. Чўлнинг кумли ва тупроқли ерлари, текислик ва тоғларнинг пастки қисмларидаги (д.с.б 1000 м.гача) даре воҳалари.

Сони. 1970-йилларда локал популяцияларда ҳар гектарига 3-6 та-си ҳисобга олинар эди. 1990-йилларнинг бошларида уларнинг умумий сони 45 мингга, алоҳида Фарғона популяциясида эса 200 га яқин бўлган. Ҳозирда аксарият яшаш жойларида йўқ бўлиб кетган, қолганларида эса жуда кам сонли. Кундузги саёҳат вақтида 2-5 тагача учратиш мумкин.

Яшаш тарзи. Апрель-октябрда фаол. Катта кумсичқон ва тулкилар ташлаб кетган уяларида бер-кинади ва ўша ерда қишлайди ҳам. Май-июнда жуфтлашади. Июнь-июлда 6-20 тухум қўяди. Тухумдан чиққан болалари ер юзига бир қишловдан сўнг чиқади, 3 ёшдан ошганда жинсий вояга етади. Ҳашаротлар, судралиб юривчи-лар, кушлар ва уларнинг тухумлари, майда сутэмизувчилар билан озикланади.

Чекловчи омиллар. Чўл зоналарида қўриқ ерларнинг ўзлашти-рилиши, айниқса шудгорлаш ва суғориш; инсон томонидан таъқиб қилиниши, йўлларда автотранспортдан нобуд бўлиши (Қизилқумда 400 км масофада 46 та нобуд бўлгани қайд қилинди).

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган. Ҳайвонот боғларида сақланади.

Муҳофаза чоралари. Овлаш тақиқланган. Қизилқум кўриқхонасида ва «Жайрон» экомарказида муҳофаза остига олинган. СИТЕС-нинг I-Иловасига киритилган. Фарғона водийсида муҳофазасини ташкиллаштириш лозим.

Туркистон оқ лайлаги

Туркестанский белый аист

Asian White Stork

Ciconia ciconia (Linnaeus, 1758)

ssp. asiatica Severtzov, 1873

Мақоми. 3(NT): Заифга яқин, учиб ўтувчи турнинг туркистон кенжа тури.

Тарқалиши. Сирдарёнинг ўрта оқими, Чирчиқ дарёсининг қуйи ва ўрта оқими, Фарғона водийси, Туркистон т. этаклари Сурхондарё вил. жануби

(уялаш, қисман қиш-лаш), Хоразм, Бухоро, Самарқанд, воҳалари (илгари уялаган). Ўзбекистондан ташқарида: Тожикистон, Қозоғистон, Хитойнинг ғарби (уялаш); Эрон, Ҳиндистон, Шри-Ланка (қишлаш). Европа, Африка ва ўар-бий Осиёда - бошқа кенжа тури.

Яшаш жойлари. Воҳалар, суғориладиган майдонлар, ботқоқлар, дарё бўйлари.

Сони. 1960-1980-йилларда мар-казий ва жануби-ғарбий Ўзбекистонда учраши одатии эди, ҳозирда шарқий популяцияларигина сақланиб қолган. 1,5 минг жуфти уялайди (жаҳон популяциясининг 70-80%), ундан 95% -Фарғона водийсида; бир неча юзтасигина қишлайди.

Яшаш тарзи. Баҳорги учиб ўтиши - феврал-март ойларида. Баланд дарахтларда, электр узатиш тизмаси таянчларида колония бўлиб уялайди; апрел-май ойларида 3-5 та тухум қўяди ва 32-34 кун босиб ётади. Полопонлари июн-июлда уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши - август-сентябрда. Майда балиқлар, қурбақалар, суд-ралиб юрувчилар ва сувда яшовчи умуртқасизлар билан озикланади.

Чекловчи омиллар. Текисликдаги дарёлар сув режимининг ўзга-риши ва намли ерларнинг қурити-лиши оқибатида яшаш жойларининг емирилиши.

Кўпайтириш. Кўпайтирилмаган.

Муҳофаза чоралари.Овлаш тақиқланган.

Қошиқбурун Колница

White Spoonbill

Platalea leucorodia Linnaeus,

Мақоми. 2(VU:D): Заиф, қисқариб бораётган, учиб ўтувчи тур.

Тарқалиши. Жанубий

Оролбўйи, Сирдарё, Амударё ва Сурхондарё ҳавзалари, Фарғона водийси (уялаш, учиб ўтиш). Ўзбекистондан ташқарида: Қозоғистон, Сибирь жануби, Узоқ Шарқ, Мўғулистон, Хитой шимоли, ғарбий Осиё, Европа, Шимолий Африка , (уялаш); Ҳиндистон (уялаш, қишлаш); Хитой жануби, Марказий Африка (қишлаш).

Яшаш жойлари. Текисликдаги сув ҳавзалари.

Сони. 1960-йилларда Жанубий Оролбўйида учраши одатий эди, ҳозирда кўпгина яшаш жойларида йўқ бўлиб кетган. Амударё дельтасида 200 яқин, Фарғона водийсида 50 яқин, Айдар-Арнасой кўлларида 50 яқин, Аму-Бухоро **1758** ва қарши каналлари бўйлаб 100 жуфтгача уялайди.

ХУЛОСА

“Кизил китоб”га киритилган 309 та турни орасида камёблиги жихатидан хар-хил ҳолатдаги усимликлар мавжуд. Уларни орасида йуколиб бораётган, балки йуколиб кетган (ёки йуколиб кетиш арафасида турган) усимликлар мавжуд. Ушбу турлардан йуколиб кетган (*Pyrus asia-mediae*, *Eremurus korovinii*, *Oenanthe fedtsihenkoana*- бу тур фақат 1871-йилда Қукон шаҳри атрофидан терилган ҳолос) ва *Hedusarum amanqutanicum*- бу тур 1913-йилда терилган ҳолос. Бундай туда камёб усимлик сони 10 тани ташкил этади.

Булардан ташкари туда камёб турлар (*Adonis lesiosepala*, *Astragalus baisunensis*, *A.Komarorii*, *A.rhaeodes*, *Hedisarum bucharicum*, *H.masificum*) мавжуд.

Яна шуни таъкидлаш жоизки махсус ареали булинган реликт турлар ҳам мавжуд: *Punica granatum*, *Astragalus liptophysus*, *Komaroria angiosperma*, *Bergenia ugamica*, *Malococarpus crithmisolius*, *Platanus orientalis* ва *Salsola chirensis*.

Бундан ташкари иккинчи танкидий мулоҳаза шундан иборатки, чинор, узум, анжир ва ёввойи анор усимликларини «Кизил китоб»га киритмаса ҳам

булади, чунки бу икки тур маданий холатда жуда Кўп. Иккинчи холат шуки анор билан чинорнинг ёввойи деб аталган популяциялари билан маданийларини фарқи йук, айнан уша турлар.

Бу мавзу буйича бизнинг яна мулохазаларимиз шундан иборатки, хозирги айрим турларимизни йуколиб кетиш хавфи йукдир, лекин бир неча ун йиллардан сунг уларни хам йуколиб кетиш хавфи тугилиши мумкин. Шунинг учун ушбу турларни йуколиб кетишини кутмасдан уларни маданийлаштирсак деган фикрдамиз.

Бундай, яъни бизнинг фикримизча маданийлаштирилиши зарур турлар деб биз куйидагиларни хисоблашимиз мумкин.

1. *Physochlaina alaica* (хиёл) мазкур тур факатгина Олой тоғ тизмасининг Шохимардонсой хавзасида арчазорларни оралигидагина учрайди. Арчазорлар доимий равишда чорва моллари учун яйлов зонасини уташи муносабати билан уни йуколиб кетиш хавфи бор.

2. *Alonis lesiosepala* ва *A. chrisoeyathus* турлари хам чорва моллари бокиладиган зоналарда учрайди. Аникланишича охирги тур (сугур-ути) 1960-йилларнинг бошларида 1000 га атрофида булган булса, хозирги вақтда уни учдан бир қисми қолган ҳолос (охирги маълумотни биз аниқлаганмиз).

3. *Ostrowsnia magnifica* жуда манзарали усимлик, уни сақлаб қолиш зарур, шунинг учун уни хам, балки ботаника боғи ва тажриба майдонларига экиб, уни маданийлаштирилса яхши булар эди.

4. *Aronicum talassicum* ва *A. seravshanicum*

Турлар кам даражада сақланиб қолган. Уларни айрим популяцияларини биз Охангарон дарёсининг юқори хавзасида учратамиз. У ноёб доривор усимлик табиблар уларни Кўплаб териб оладилар. Уни хам тезроқ маданийлаштиришмаса тез орада йуколиб кетиши мумкин.

5. Тошкент Олатогининг юқори зоналарида ажойиб хушманзара, чиройли, гоят хушбуй хидли *raeonia hibridani* хам одамлар илдизи билан Кўплаб қовлаб олиб кетганларини шоҳиди булганмиз. Бу гулчилик билан

шугулланувчи одамлар учун ноёб генофонд хисобланади. Уни саклаб қолиш учун маданийлаштириш зарур.

6. Пиёзи анзур номи билан машхур *Allium stipitutum* ва *A.suvorovii* турларини ҳам йуқолиб кетиш хавфи бор. Чунки уларни илдиз туганаги (пиёзи) билан қовлаб олинади.

7. Машхур доривор усимлик *ungernia victoris* (омонқора) усимлигини тоғли худудларга экиб Қўпайтириш эътиборга молик.

8. *Ereumurus* туркумини Қўпчилик турларини маданийлаштириб, шаҳар қишлоқларимизда Қўплаб манзарали усимлик сифатида устириш мумкин.

9. Лоланинг чиройли турларини (*tulipa jreigii* ва *T.kaufmanniana*) гулзорларимизга экиш керак. Мисол учун Санкт-петербург ва Москва шаҳарларида лолаларни айрим турлари маданийлаштирилган.

10. *Allochrusa gypsophiloides*, яни бет деб аталувчи сапонинли усимликдан халқимиз нишолда тайёрлайди ва кенг миқёсда у истеъмол қилинади. У жуда табиатда қамайиб кетган, уни ҳам саклаб қолиш керак.

Юқоридаги усимликларни ботаника боғларида, бошқа тажриба майдонларида, тоғлик ва адирлик жойлардаги буш жойларга экиб қўпайтириш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги номлари зикр этилган турларни аспирантлар, магистрларга ва бошқа биолог, ботаник, эколог дипломантларга мавзу қилиб бериш керак. Бу борада махсус тадқиқот ишлари олиб бориш фойдадан холи бўлмайди.

Мавзуга доир муаммолар қуйидагилардан иборат. Қамёб, ноёб, яъни ареаллари қискариб, табиатдаги табиий захиралари қамайиб бораётган турларни қамайиб бориш сабабларини аниқлаш зарур. Ушбу турларни атрофлича тадқиқ қилиш, керак бўлса улар керакли жойларга маданийлаштирилишини ташкил қилиш керак. Уларни устиришга доир дастлабки агротехникасини ишлаб чиқиш зарур.

Фаргона водийсининг иқлим шароити, табиати бу ерларда бой ва ранг-баранг усимликлар оламини тарқалишини такозо этади. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»ига Фаргона водийси бўйича 31 тур қиритилган,

улар 10 оилага ва 26 туркумга киради. Бу оилалар куйидагилар: Asteraceae, Fabaceae, аriaceae, Caryophyllaceae, Liliaceae, Poligonaceae, Ranunculaceae, Rosaceae, Seraphillaceae ва Solanaceae. Энг катта туркум хисобланган Astragalus нинг 5та тури (Astragalus borrisianus, A.auranthus, A.diantoides, A.rhaeodes ва A.rubellus)водий худудларида кайд килинган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида : хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари - Тошкент: 1999.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – тараққиёт пойдевори - Тошкент: 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси “Қизил Китоби” - Тошкент: Фан, 1984
4. Ўзбекистон Республикаси “Қизил Китоби” - Тошкент: Чинор ЭНК, 2006.
5. Ўзбекистон Республикаси “Қизил Китоби” - Тошкент: Чинор ЭНК, 2009.
6. Коровин Е.П., Короткова Е.Е. «Типы растительности Средней Азии». Ташкент: Труды САГУ, нов. сер., вып. 8, 1946.
7. Кочерга Ф.К., Галактионов В.Ф. «Леса Узбекистана». в кн. « Леса СССР», т.5., М.: Наука, 1970.
8. Овчинников П. Н., Лазарева М.С. Новые материалы по неогеновой флоре Памиро – Алая. Душанбе: «Изв.АН ТаджССР», вып.2 (9), 1962 г.
9. К.Хайдаров, Қ.Н. Хожиматов “Ўзбекистон ўсимликлари”. Тошкент, Фан 1980.
10. С.Холиқов, Ў.Пратов “Ўсимликлар аниқлагичи” – Ўқитувчи. Тошкент, 1973.
11. Отабоев Х.Н. “Ўсимликшунослик” – Тошкент, 2000.
12. С.М. Мустафоев “Ботаника” Тошкент, Ўзбекистон 2002.

Интернет маълумотлари

13. www.ekonews.uz

14. http://econews.uz/econews/rus/journal/jornal10_09staty2.html.